

Яшасин



А. Холликов чизган расм.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бутун улуг Советлар ўлкасида, коммунизм Ватанида баҳор байрами. Қардош халқларнинг улкан оиласи зўр шод-хушрамлиқ билан халқларнинг энг гўзал байрамини — халқаро бирдамлик кунин — 1 Майни нишонлайди. Бутун мамлакатда баҳор нафаси сезмоқда. Бу коммунизм нафаси, янгилик нафаси, келажак, порлоқ истиқбол нафасидир. Ҳаммаёқ кўкаламзор, нақадар ором бахш. Табиат ўзининг беҳисоб рангоранг гулларини азиз диёримизга, қаҳрамон, ижодкор халқимизга ҳади қилибди. Ватанимиз ҳуснига-ҳусни, гўзаллигига-гўзаллик қўшибди. Ҳаммаёқда байрам тантаналари, шодона кўчирилди. Юзларда севинч, қалбларда шодона туйғулар. Бу мамандор, бахтли, қувноқ ҳаётимиз севинчлари.

Бутун коммунизм баҳориде, ажойиб мўтабар дақиқаларда, партиямиз тарихий XXII съезди қарорлари муваффақиятли амалга оширилган кунларда Ватанимиз бахт-саводати йўлида тинчлик меҳнат қилаётган, моддий бойликлари яратиб, элни ийнтираётган, едирётган, мўл-кўлчилик яратётган, коммунизм қураётган, тарихнинг чинакам ижодкорлари, қаҳрамонлари — шонли ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, баҳор байрамининг муборак бўлини! Сен ишчи, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратётган жанговар ўртоқ, пулат қувчи, нефть қазувчи, улкан иншоотлар қурувчи, сен эй азамат шахтёр, улуг айёмингиз кутлуғ бўлсин. Ахир коммунизм улуг ишнинг тантанасига сайқал бераётган, осмоний азалага қосиб кемадари учираётган, деҳқоннинг қўлига қудратли техникани берган азаматлар, сиз эмасмисиз! Партиямиз тарихий XXII съезди қарорларини амалга ошириш йўлида, мамлакатга тобора кўпроқ пулат, металл, кўмир, нефть, электр энергия, енгил саноат маҳсулотлари етказиб бераётган, коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларига бораётган қаҳрамон ишчилар синфига шон-шарафлар бўлини! Саноатимиз, қурилишимиз майяклари — Ҳафиз Рашидов, Саиди Платов, Шеронова, Марк Топиловлар, минглаб азаматлар, байрамингиз муборак бўлсин!

Ишчилар синфининг буюк иттифоқи

чики, қолхози деҳқонлар! Табрик ва беҳисоб олқишлар сизга, азаматлар! Ахир баҳор сизларга ўзининг беҳисоб бойликларини олиб келди-ку! Саҳий куш, шифобахш сув, серхосил бебаҳо ер, ҳаммаси сизлар учун-ку! Бадавлат баҳар, қувват қолхози тузуми сизларга коммунизм йўлини очди. Қишлоқларимиз улуг партиямиз раҳнамолигида обод, гўзал, социалистик қишлоқларга айланди. Мамлакатда коммунистик мўл-кўлчиликни буюмда келтириш, аҳолига тобора кўпроқ дон, гўшт, сут, ёғ, пахта, картошка, савзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш коммунизм қурилишининг муҳим шартидир. Қишлоқ хўжалигимизнинг йўлини юздатулар Турсунов Охунова, Валентин Топко, Зухра Комилова, Любовь Ли, Жавод Қўчиев, Ҳакимовлар Қодиров, турсуновчи, топоним азаматлар, 1 Май баҳориде сизларга сўхат-саломатлик тилаймиз, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан янада мўл ҳосил ештиришда, пахтачиликни механизациялашда, чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда янгидан-янги муваффақиятларини қўлга киритишингизга ишонамиз!

Бутун бутун мамлакат, коммунизм қурувчи қаҳрамон халқ байрам қилапти. Коммунизм совет ишчиларининг ишчи келажакдир. Биз йигирма йил ишчи ишчиларининг ана шу эзу орзуларини рўёбга чиқариш мақсад қилиб қўйганмиз. Совет ишчиларининг ҳозирги авлоди, сиз ва биз, фарзандларимиз коммунизмда яшайди. Ҳа, коммунизмда, инсониятга чинакам ҳаёт бахш этадиган гўзал жамиятга яшайди. Халқлар учун чинакам Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тегилик, Қардошлиқ, Бахт-саводат барқарор бўлган жамиятда яшайдилар. Бу — коммунизм қураётган ижодкор халқимизнинг қарори.

Ўзлимиз равшан, уфқларимиз мусоффо. Коммунизмнинг кенг горизонтлари кўришиб турибди. Марксизм-ленинизмнинг революцион, жанговар, ижодий таълимоти майдон қўлимизни ертмоқда. Замонамизнинг энг буюк ҳужжати, коммунистик манифести, буюк Программани йўли юлдуздек коммунизм йўлига нур соймоқда. Биз дидил олга

бораверимиз! Бизни ҳақиқат йўлидан, порлоқ истиқбол йўлидан, коммунизм йўлидан тўхта оладиган куч дунёда йўқ!

Коммунизм қурувчи халқимиз ға со дналистик Ватани билан беҳад фахрланади. Ахир бизнинг мамлакатимизде мамлакат, бизнинг халқимиздек халқ қаерда бор. Биз биринчи бўлиб инсониятга озолиқ йўлини кўрсатдик, биринчи бўлиб социализм қўрдик, узилисиз галабага эришдик, биринчи бўлиб фазога йўл олдик. Энди коммунизм сари боришимиз. Биз билан бирга Европа, Осиёдаги социализм қураётган қардош халқлар бораёпти.

Бутун, Халқаро бирдамлик, қардошлиқ кунин 1 Май муносабати билан социализм йўлидан дадил олган бораётган халқ демократияси мамлакатлари меҳнатчиларига энг яхши истасилар тўла қизғин саломимизни йўлаймиз, уларнинг социализм қурилишида янгидан-янги ютуқларга эришишларига ишонамиз!

Бирдамлик, дўстлик, ҳамкорлик, тинчлик, товулчилик ва қардошлиқ — бизнинг ишонимиз, барча халқлар билан бўладиган иттифоқимиз, маданий муносабатларимиз асоси! Миллий мустакиллик учун, озолиқ учун курашаётган барча халқларга хайрихоҳлик, дўстлик, ердам социалистик давлатимиз сийқатининг дегишдир. Бутун халқаро бирдамлик кунинда ўз озолигини, мустакиллигини учун, тинчлик учун курашаётган барча халқларга жанговар салом йўлаймиз!

Коммунизм гоилари нур сояётган Советлар мамлакатини байрам либосида. Ҳар бир меҳнатқаш — ишчи, қолхози, интеллигент — байрамга муносиб тўбана билан келди. Бахтиёр фароноб ҳаётимиздан беҳад хурсандимиз. Эртанги кунимиз бундан ҳам гўзал, фаровондир. Совет ишчилари ўз бахтиёр тўғруларини, порлоқ истиқболларини учун раҳнамо-и Коммунистик партиядан беҳад ва абадий миннатдорлар.

Янаси меҳнатқашларнинг халқаро бирдамлик кунин, барча мамлакат меҳнатқашларининг бирлик ва қардошлиқ кунин — 1 Май.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕҲНАТҚАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 87 (2120).

1 май, сешанба, 1962 йил.

Баҳоси 2 тийин.

„ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШ УЧУН“ ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

1962 йил 19 ва 20 апрелда академик Д. В. Снобелдин раислигида „Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун“ Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг мажлиси бўлди. Комитет 1961 йил учун халқаро Ленин мукофот-

лари бериш тўғрисида олинган таклифларни қараб чиқди ва бу масала юзасидан қарор қабул қилди.

Комитетнинг халқаро Ленин мукофотлари бериш тўғрисидаги қарори қуйида эълон қилинади.

1961 йил учун „ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШ УЧУН“ ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

„Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун“ Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг қарори

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кураш йўлидаги буюк хизматлари учун қуйидагиларга „Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун“ халқаро Ленин мукофотлари берилсин:

Кваме Нкрума — давлат арбоби (Гана Респуб. ликаси).

Пабло Пикассо — rassom, жамоат арбоби (Франция).

Иштван Добига — давлат арбоби (Венгрия Халқ Республикаси).

Фанз Аҳмад Фанзга — шоир, жамоат арбоби (Покистон).

Ольга Поблете де Эспинозага — жамоат арбоби (Чили).

Комитет раиси ДМИТРИЙ СКОБЕЛЬЦИН.

Комитет раисининг ўринбосарлари: ГОМО ЖО. ЛУИ АРАГОН.

Комитет аъзолари: ГЕОРГИЙ АЛЕК. САНДРОВ, ЖОН БЕРНАД, РЕНАТО ГУТ-ТУЗО, ЯН ДЕМОВСКИЙ, АННА ЗЕГЕРС, ИВАН МАЛЕК, ХУАН МАРИНЕЛЛО ВИ-ДАУРРЕТА, ПАБЛО НЕРУДА, САХИБ СИНГХ СОКХЕЙ, ИЛЬЯ ЭРЕНБУРГ, КАО-РУ ЯСУИ.

„Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун“ Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг баёноти

(Комитетнинг 1962 йил 20 апрель мажлисида қабул қилинган)

Шу йил июль ойида Москвада ёппасига қўрол-сизиланиш ва тинчлик учун курашга бағишланган жаҳон конгресси бўлади. Бу конгресснинг жуда кўп вакиллари иштироки билан кенг миёсда ўтказили-шини назарда тутиб ва қўролсизланиш ҳамда халқ-аро ҳамкорликни ёқлаб чиқарган сиёсий, жамоат арбоблари, турли масаладаги маданият арбоблари,

турли ташкилотлар арбобларининг учрашувига кат-та аҳамият бериб, „Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун“ Халқаро Ленин мукофотлари комитети мукофотнинг барча лауреатларини кон-грессда қатнашишга ва уни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга чақиради.

СССР Мудофаа Министрининг

БУЙРУҒИ

1962 йил 1 май

№ 99

Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлари! Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлари!

Бутун совет халқи ва унинг Қу-ролли Кучлари меҳнатқашларнинг халқаро бирдамлик кунин, барча мамлакатлар ишчиларининг бир-лик ва қардошлиқ кунин — Бирин-чи майни байрам қилимоқдалар.

Бу йил Биринчи май байрами коммунизм қурилишининг улугвор программасини амалга ошириш учун қаҳрамонча курашини янги олдириб юборган совет кишилари-

нинг меҳнат гайрати ва ижодий ташаббуси кучли суратда юнсал-ган бир вазиятда нишонланмоқда.

Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган мамлакатимиз меҳнат-қашлари КПСС тарихий XXII съ-езидан кейинги дастлабки йилни саноат, фан ва маданиятнинг ривож-лантириш соҳасида „КПСС Марка-зид Комитети“ март Пленумининг қарорлари асосида қишлоқ хўжа-лиқ ишлаб чиқаришининг қудрат-ли юксалишини таъминлаш соҳа-сида янги муваффақиятларини қўлга киритиш билан нишонланган қатъий аҳд қилганлар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқларнинг манфаатла-ри ва оро-умидларини ифодалаб, бутун дунёда мустаҳкам ва адолат-ли тинчликни таъминламоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Совет Иттифоқи ёппасига ва ба-тамом қўролсизланишга, янги жа-ҳон урушининг олдини олишга эришмоқ учун зўр гайрат билан муттасил кураш олиб бормоқда.

Совет ҳукумати ленинча тинч-ликсевар сиёсатни қатъият ва из-чиллик билан амалга ошира бо-риб Ғарб давлатларининг агрес-сив кучлари томонидан ҳарбий хатар ғойиб бораётганлигини ҳи-собила олмоқда.

АҚШ империалистлари бошчи-лигидаги халқаро реаксия зўр бе-риб қўролланниш кучайтирмоқда, ҳарбий илғовчиликлар уюштирмо-қда, Ғарбий Европада, Латин Аме-рикада ва Шарқи-Жанубий Осиёда кескинликнинг хавфли ўчоқларини вужудга келтирмоқда. СССРга ва бошқа социализм мам-лакатларига тўсатдан ракета-ядро қўроли билан ҳужум қилиш режа-ларини тузмоқда. Бутун тинчлик-севар инсониятнинг аниқ-равшан ифодаланган иродасига қарама-қарши ўлароқ АҚШ атмосферада

СССР Мудофаа министри,
Совет Иттифоқи Маршали Р. МАЛИНОВСКИЙ.

САЛОМ, ДЕНГИЗ!

Тошкент сув омбори
қуриб битказилди

Тўйгепа — Тошкент денгизи ва Денгиз чайқалади, тўқчилар қир-гоқдан бўса олиб, куч йиғиш учун яна чекинади. Кўз ўнгимизда ин-сон меҳнати билан, унинг гайрат-шикоати, талант, матонати билан бунёдга келган денгиз — Тошкент денгизи.

Кеча, меҳнат ва баҳор байрами арафасида Тошкент денгизининг ижодкорлари катта гажабани қўлга киритдилар. Тошкент сув омбори қуриб битказилди. Халқимиз уни меҳр билан денгиз деб аташи бе-жиз эмас. Сув омборининг бағри кенг. Унга 250 миллион кубометр сув кетади. Тошкент денгизига Оҳангарон дарёсининг суви йи-гилди. Ҳозиргача сув омборига 110 миллион кубометр сув тўп-ланди.

Бир ҳовуч сув бир тутам пахта бўлади, дейишди миришкор пах-такорлар. Тошкент денгизининг қишлоқ хўжалигимиз учун аҳамя-ти катта. Сув омборининг чашмаси билан Ўрта Чирчиқ, Бўка, Оққўр-гон ва Пискент районларида 40 минг гектарга яқин янги ер очи-лади. Шу йилнинг ўзидаёқ пой-тахт денгизининг сувида 17 минг гектар қўриқ ва бўз ер баҳраманд бўлди. Ҳозир қишлоқ хўжалиги оборотида бўлган ерларнинг мели-оратив ҳолатини яхшилашда ҳам денгизнинг шарофати беқиёс. Тўй-иб сув ичмаган, қақраб ётган 62 минг гектар ер учун саҳий денгизнинг қўйни очиб.

(ДАВОМИ ТўРТИНЧИ БЕТДА)

ХАЛҚАРО ЛЕНИН
МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ



Кваме НКРУМА — давлат арбоби (Гана республикаси).



Пабло ПИКАССО — rassom, жамоат арбоби (Франция).



Иштван ДОБИ — давлат арбоби (Венгрия Халқ Республикаси).



Фанз Аҳмад ФАНЗ — шоир, жамоат арбоби (Покистон).



Ольга Поблете де Эспиноза — жамоат арбоби (Чили).

